

**Мавзу: САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА,  
МУДОФАА ВА БОШКА МАҚСАДЛАРИГА  
МҮЛККАЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУКИЙ  
ХОЛАТИ**

**РЕЖА:**

**1.Саноат ва транспорт,алока,мудофаа ва бошка мақсадларига мүлккаланган ерлар тұғрисида түшүнчө ва уларнинг классификациясы.**

**2.Саноат ва транспорт,алока,мудофаа ва бошка мақсадларига мүлккаланган ерларнинг ҳуқукий холатининг умумий хусусиятлари.**

**3.Саноат ерларининг ҳуқукий холати.**

**4.Транспорт ерларининг ҳуқукий холати.**

**5.Алоқа ва мудофа мақсадларига мүлккаланган ерларнинг ҳуқукий холати.**

Алоқа ерлари деганда алоқа линияларини хамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташқилотлариға доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади.

Алоқа ва электр узатиш линиялари ерлари таянч макони сифатида фойдаланилади. Улар хаво линиялари, ер ости кабель линиялари, зарур хизмат бинолари ва қурилмалари (подстанциялар, тақсимловчи қурилмалар, кабель будкалари ва шунга ўхшашлар) таянчи сифатида ажратилған ер участкалари қисмлари бўлиб, ички тузилишга эга бўлади. Алоқа линиялари, электр узатувчи, хаво ва кабель линиялари учун ер полосалари, вактинчалик қурилмалар, қурилиш монтаж механизмларини жойлаштириш, қурилма ва материалларни ташиш ва сақлаш учун ер участкалари қурилиш даврида қисқа муддатли фойдаланиш учун зарур бўлади. Шу турдаги ердан фойдаланишга нисбатан Ер қонунчилигига белгиланган (Ер кодекси 30-моддаси) ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш хуқуқи кенг қўлланилади.

Алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида уларни сақланиши учун, шунингдек хавфсизлиги мақсадида муҳофаза зоналари ўрнатилади. Бу ерлар илгариги ердан фойдаланувчилар ихтиёрида қолади, аммо ерга нисбатан уларнинг ҳуқуқлари маълум даражада чегараланганди бўлади. Муҳофаза зоналари ердан маҳсус шартлар билан фойдаланишнинг бир турини ташқил этади.

Алоқа ерларининг ҳуқуқий холати, муҳофаза зоналари ҳуқуқий холатининг ўзига хос хусусиятлари. Алоқа линияларини муҳофаза қилиш қоидалари, юқори вольтли электр узатиш тармоқларини муҳофаза қилиш қоидалари, 1000 вольтгача кучланишдаги электр узатиш тармоқларини муҳофаза қилиш қоидалари билан белгиланади.

Алоқа ва электр узатиш линиялари амалда барча ер тоифаларидан ўтишини хисобга олганда күпчилик ердан фойдаланувчилардан айрим ер участкаларини олиб қўйишга тўғри келади. Бундай ер участкалари қимматбаҳо қишлоқ хўжалик майдонлари, сувни муҳофаза қилиш зонаси ерлари, ўрмон фонди ерлари, сув фонди ерлари хам бўлиши мумкин. Бу эса шу хилдаги ердан фойдаланувчиларга маълум нокулайликлар туғдириши табиий. Шу сабабдан алоқа мақсадларида ер бериш жараёнида ер ҳукуқининг асосий тамойилларига, яъни қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг устиворлиги, ерни муҳофаза қилиш, табиатни ва атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор қаратиш мухим дир.

Алоқа ва электр узатиш линиялари учун ердан фойдаланишда ер участкалари микдорини белгилашда турли хил вариантлар қўлланилади. Бунда ер ажратишнинг белгиланган наъмунавий нормалари тасдиқланади. Маълум ер бўлаклари қисқа муддатли фойдаланишга қурилиш даврида берилади.

**1000 вольтгача кучланишдаги электр узатиш линияларини мухофаза қилиш қоидаларига кўра мухофаза зоналари қўйидагича белгиланади:**

- 1. Электр узатишнинг ер усти (хаво) линиялари бўйлаб (биноларга киритиш нуқтасидаги шаҳобчалар бундан мустасно) энг четдаги оғишмаган холатдаги симларнинг ер юзасига тушган проекциясидан (соясидан) хар икки томондан 2 метрдан масофа қолдириб, тортилган параллель тўғри чизиқлар билан чегараланган ер участкасини қолдириш;**
- 2. Электр узатишнинг ер ости кабели линиялари бўйлаб, энг четдаги кабеллардан хар икки тарафдан бир метрдан масофа қолдириб, тортилган параллель тўғри чизиқлар билан чегараланган ер участкаси қолдириш; кабеллар шахарларда йўлак (тротуар)лар тагидан ўtkazilgan холларда эса бинолар ва иншоотлар тарафидан 60 сантиметр ва йўлнинг қатнов қисми тарафидан эса 1 метр масофа қолдириб, тортилган параллель тўғри чизиқлар билан чегараланган ер участкаси қолдириш;**
- 3. Электр узатишнинг сув ости кабель линиялари бўйлаб, хар бир кабельнинг уч тарафидан 100 метрдан масофа қолдирилган холда сув юзасидан сув тубигача бўлган масофадаги ер (сув) участкаси қолдириш.**